









# ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

## ТИНЧЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ПЛАТФОРМАСИ

Ер юзиде туркий халқлар энг қадимий давлатчилик аънаналарига эга бўлган миллатлар ва элатлар сирасига киради. Тарихга назар ташласак, сўнгги икки минг йил давомида Фарбий ва Шарқий турк ҳоқонликлари, Хазар хоқонлиги, қорахонийлар, салжукийлар, гашайвийлар, хоразмшоҳлар, усмонийлар, сафавийлар, теурийлар, шаивонийлар, аштархонийлар сингари ўнлаб давлат ва сулолалар сайёраимизнинг жуда катта қисмида ҳукмронлик қилганини кўрамиз. Туркий халқлар дунё тамаддунига, башариётнинг моддий ва номоддий маданиятига, илм-фани ва санъати ривожига мислсиз ҳисса қўшган. Туркий ҳукмдорлар раҳнамолигида бошқа халқларнинг ҳам санъати, маданияти ва адабиёти гуллаб-яшнаган, абадиётга дахлдор ижод намуналари яратилган.



барқарор ўсмоқда. 2023 йил якунлариға кўра умумий ўзаро товар айланмаси ҳажми 27 фоизга ошди. Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023 йил якуниға кўра 10 млрд. долларни ташкил этди. Бундай юқори ўсиш суръати жорий йилда ҳам кузатилмоқда. Уни бардавом сақлаб қўлишдан барча давлатлар манфаатдор.

пунктларининг узлуқсиз ишлашини таъминлашдан иборат. Шу боис Ўзбекистон Президентини ТДТнинг Шушадаги саммитида иштирокчиларни ташкилотнинг транспорт соҳасидаги кун тартибини шакллантириш ва устувор вазифаларини амалга ошириш ишига бироз муқаддам Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянсини кенг жалб этишга қақриди. Ташкилот доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш бўйича таклифи илгари сурди.

сусан, Камбарота ГЭСини Қозоғистон билан биргалиқда қуриш ишлари ҳам режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари энергетика йўналишида ТДТ учун муҳим ташаббусларни илгари сурди. Масалан, муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида "Яшил энергетика сари туркий ҳаракат" концепциясини қабул қилиш таклифи шулар жумласидан.

илгари сурдики, уларнинг рўёби ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва бутун туркий дунё равақини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Кейинги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқаро тузилма сифатида шаклланиётгани ҳақида турли эксперт доираларда кўп гапирилипти. У минтақаларо ва глобал аҳамиятга эга тинчлик ҳақда ҳамкорлик минбари ҳамдир. Ўзбекистон бу минбардан унумли фойдаланмоқда. Давлатимиз раҳбари турли минтақаларда давом этаётган қуролли можароларни тўхтатишга қақриши билан бирга, зиддиятлар ўчоғига айланган давлатлар аҳолисиға гуманитар ёрдам кўрсатиш борасида ўз таклифларини билдираётгани Ўзбекистоннинг тинчликсевар мамлакат сифатидаги нуфузини мустаҳкамлапти.

### Нуктаи назар

Бугун дунё саҳнасида олти мустақил туркий давлат — Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги қардошлиқ алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 5 та аъзо давлат ҳамда 2 та кузатувчи давлатдан (Туркманистон ва Венгрия) иборат Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасидаги ҳамкорлик азалий муносабатларимизни янги босқичға кўтаришда муҳим ўрин тутмоқда.

сининг тақдирини билан боғлиқ энг долзарб масала туркий давлатлар жиқлигини, бирлигини таъминлашдан иборат. Шундай экан, бу мақсадға эришиш учун ҳар бир туркий давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақиллиги дахлсиз бўлишини мустаҳкамлаш, ҳамкорлик алоқаларини муамлақо тенглик, қонунийлик ва адолат тамойиллари асосида шакллантириш муҳим ўрин тутди. Бунда ҳар бир давлатнинг тили, маданияти, адабиёти ва санъати, қадриятлари ва урф-одатларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилиши мақсадға мувофиқ.

## САНОАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди.

### Ҳукумат соати

Унда депутатлар "Иқтисодиёт тармоқлариға хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ҳудудларда саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш борасида амалға оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди.

Олий ва юқори даражадаги 50 дан ортиқ хорижий таширчилар давомида эришилган муҳим келишувлар орқали кейинги етти йилда узлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 61 млрд. долларни ташкил этди. Натижанда 6 291 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа ишға туширилиб, 538 минг иш ўрни яратилган.


ғалиқда ривожланиши ортада қолаётган 4 ва 5-тоифадаги 60 та туманин ҳар бири учун инвестиция ва саноат салоҳиятини ошириш концепцияси, мавжуд захираларни аниқлаш ва истиқболли лойиҳаларға бизнес-режалар ишлаб чиқиш мақсадида мустақил консалтинг компаниялар жалб этилган. Улар томонидан 7,3 млрд. долларлик 2 216 та лойиҳа тизерлари, дастлабки техник-иқтисодий асослари ва туманларнинг салоҳиятини кўрсатиб берувчи тақдимотлар ишлаб чиқилиб, улар бўйича салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш чоралари кўрилмақда.

моқда. Хусусан, экспортдан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби барча экспортчи корхоналар учун бутунлай бекор бўлди. Товар ва хизматларни кафолатланган тўловсиз хорижий валютада экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

## «Париж — 2024» Футболчиларимиз Олимпиадада ўз иштирокини бошлади

Хабариниқ бор, жорий йилнинг 26 июль — 11 август кунлари Париж шаҳри XXXIII ёзги Олимпиада ўйинлариға мезбонлик қилади. Ўзбекистон делегацияси лицензиялар бўйича ўз рекордини янгилаб, илк бор 19 спорт турида 90 нафар спортчи билан 75 та йўлланмаға сазовор бўлди. Эътиборлини, биринчи марта жамоавий спорт турида йўлланма қўлга киритилди. Жаҳоннинг энг нуфузли мусобақасининг футбол беллашувларида Темур Кападзе мурабийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам қатнашмоқда.

Кеча турнирдаги ўз иштирокини бошлаган футболчиларимиз "С" гуруҳидаги дастлабки баҳсда Испания олимпиячилариға қарши майдонға тушди. Дастлабки бўлим тенг курашлар остида кечиб, юртдошларимиз рақибига қараганда баъзи вазиятларда тезкор ҳаракатлари билан ажралиб турди. Аммо ўйиндаги ҳисоб рақиб томонидан очилди — Марк Пубиль 29-дақиқада дарвозамизни ишғол қилди. Шундан сўнғ футболчиларимиз устунлиқни қўлга олиши тўғрисида бўлим сўнгида пенальти тешиш ҳуқуқиға эга бўлишди. Жарима зарбасини мамлакатимиз жамоаси сардори Элдор Шомуродов голға айлантирди.



муваффақ бўлди — 1:2. Мазкур ҳисоб ўйин охириға қайтмасди. Гуруҳдаги иккинчи баҳс Доминикан Республикаси ва Миср ўртасида кечиб, унда 0:0 натижаға қайд этилди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси гуруҳдаги 2-тур ўйинини 27 июль кунини мисрлик футболчиларға қарши ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминовға ақаси Салимжон Каримович ИМИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

## Самарқандда Рақамли технологиялар вазирлиги кўмағида 100 га яқин Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нарҳда.